

Қозоғистонда "Қордай" мадрасаси очилди



08:52 / 14.11.2018 2150

Қозоғистоннинг Жамбил вилоятида "Қордай" мадрасасининг очилиш маросими бўлиб ўтди. Унда Қозоғистон мусулмонлари идораси раиси, бош муфтий Серикбай ҳожи Ўраз иштирок этди.





azan.kz нашрининг хабар беришича, Қордай туманининг Масанчи қишлоғида очилган янги мадрасада жами 100 га яқин талаба таълим олади. Мадраса замонавий талаблар асосида барпо этилган. Хабарда таъкидланишича, мадрасанинг асосий фаолияти – қорилар (Қуръони карим ҳофизлари) ни тайёрлашга ихтисослашган илм даргоҳи ҳисобланади.

Islom.uz портали таҳририяти